



Рақамлар ортидан қувмадик,  
имконият ва салоҳиятни  
тўғри баҳоладик, холос

3-с.

Бугун вазият ўнганмаса,  
руҳан кемтик авлодлар  
камол топаверади

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№35  
(2363)

2026 йил  
29 АПРЕЛЬ,  
ЧОРШАНБА

# Mahalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

## 2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

### МАҲАЛЛА ДИПЛОМАТИЯСИ:

### ДИЛЛАР ЯҚИН, ҚАДРИЯТЛАР ЎХШАШ, МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси раиси Қаҳрамон Қуронбоев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси жорий йилнинг 17-23 апрель кунлари Японияда хизмат сафарига бўлди.

Ушбу ташриф икки мамлакатнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида тажриба алмашиш, ёшлар сиёсати бўйича ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда илғор бошқарув тизимларини ўрганиш мақсадида ташкил этилди. Бир ҳафталик ташриф давомида қатор амалий келишувларга эришилди, давлат ва жамоат институтлари ўртасида самарали ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланди.



Алоҳида қайд этиш керакки, мазкур ташриф доирасида “Mahalla” газетасининг инглиз тилидаги Махсус сони нашр этилиб, учрашувлар, халқаро конференция ва семинарларда япониялик ҳамкорларга улашилди. Махсус сонда чоп этилган маҳалла тизимининг бугунги ислохотлардаги ўрни, “маҳалла еттилиги” моделининг ўзига хос аҳамияти ҳақидаги туркум мақолалар мезбонларда катта таассурот қолдирди.

Давоми 2-саҳифада.

### БУГУНГИ СОНДА:

**Маҳқум барчасидан маҳрум эмас, айниқса, у ёш бўлса...**

Замонавий касб эгаллаш маҳқум ёшлар учун жамиятдаги “собиқ жиноятчи” деган тамгадан ҳалос бўлишнинг энг самарали йўлидир. Психологик жиҳатдан ўзини керакли мутахассис сифатида ҳис этган ёшларда келажакка ишонч шаклланади.

5-с.

КУН НАФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2026 йил 27-28 апрель кунлари ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш учун Фарғона вилоятида бўлди.



**ЯНГИ МУҲИТ,  
ЯНГИ ТАФАККУР:**

## “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВИ — ЯНГИЛАНИШЛАР ВА ЮКСАЛИШЛАР ТИМСОЛИ

Массивни барпо этиш учун жами 1 триллион 850 миллиард сўм маблағ йўналтирилган.

84 та қўп қаватли уй билан бирга замонавий мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари, олий ўқув юрти, бизнес ва савдо марказлари ҳамда аҳоли дам олиши учун боғлар барпо этилиши кўзда тутилган.

Давоми 2-саҳифада.

Ташриф Қўқон шаҳрининг “Азизтепа” маҳалласидаги “Янги Ўзбекистон” массивида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишишдан бошланди.

Қадимий кентда қад ростлаётган янги массив нафақат уй-жой мажмуаси, балки ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий қиёфасини ўзгартирувчи замонавий марказ сифатида шаклланимодда. Қўқон — азалдан аҳоли зич яшайдиган, тадбиркорлик ривожланган шаҳарлардан

бири. Шу боис бу ерда турар жойга бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Эскирган инфратузилма ва чекланган яшаш майдонлари шаҳарни янги асосда кенгайтиришни тақозо этапти. Президентимизнинг икки йил аввал Фарғона вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар

ри асосида бунёд этилаётган мазкур массив айнан шу эҳтиёжга амалий ечим бўлмоқда. Худудда 25 минг нафар аҳоли яшашига мўлжалланган яхлит инфратузилма шакллантирилмоқда.

7-с.

### БИР ЁШУ ЕТТИ ОЙЛИК ГЎДАК НАРХИ — 35 МИНГ ДОЛЛАРМИ?..



8-с.

## Намунали маҳалла сири, бу — меҳнат, ҳаракат ва ишонч уйғунлиги

Маҳалла раиси сифатида бир нарсани аниқ англадим: намунали маҳалла тасодифан пайдо бўлмайди. У — режали иш, жамоавий масъулият ва одамлар ишончига таянган тизимли фаолият натижасидир. Бу йўлда энг муҳим омил — ҳар бир ишни “ҳисобот учун эмас, натижа учун” қилишдир.

Албатта, ишнинг пойдевори — “еттилик”нинг ҳамжиҳат ишлаши ва ҳар бир мурожаатга ўз вақтида жавоб беришидан иборат. Лекин амалиёт шуни кўрсатдики, бунинг ўзи етарли эмас. Агар маҳалла ҳақиқатан ҳам намунали бўлишини истасак, ишни бир неча муҳим йўналишлар бўйича чуқур ва тизимли ташкил этиш лозим. Аввало, биз муаммони кутиб ўтирмаслигимиз керак. “Проактив” бошқарув — бугунги кун талаби. Маҳалламизда эҳтиёмдан оилалар, ишсиз ёшлар, ёлғиз кек-

салар рўйхати доимий янгиланади. Улар билан режали иш олиб борилади. Яъни муаммо келиб чиққандан кейин эмас, балки олдиндан олдини олишга ҳаракат қиламиз. Иккинчи муҳим жиҳат — шаффофик ва ҳисобдорлик. Илгари мурожаатлар дафтарда қолиб кетиши мумкин эди. Ҳозир эса ҳар бир мурожаат рўйхатга олинади, назоратга қўйилади ва ижроси кузатилади. Қабул қилинган, ҳал этилган ва кечиккан масалалар бўйича аниқ статистика юритилади. Бу эса фуқароларда ишонч уйғотади.



“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАБУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Давоми 2-саҳифада.



**2026 ЙИЛ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА Ўзбекистонга қарийб 3 миллион хорижий сайёҳ келди, туризм экспорти 1 миллиард 103 миллион долларни ташкил этди.**



**“ОНЛАЙН-МАҲАЛЛА” ПЛАТФОРМАСИ ва “маҳалла еттилиги” кўмагида долзарб масалаларга қонуний ечимлар берувчи содда медиа материаллар ишлаб чиқилади.**



**МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ: Ўзбекистонда ўртача ойлик 7 миллион сўмга яқинлашди.**

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

**Янги муҳит, янги тафаккур:**

**“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВИ — ЯНГИЛАНИШЛАР ВА ЮКСАЛИШЛАР ТИМСОЛИ**

КУН НАФАСИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Бугунги кунда лойиҳанинг биринчи босқичи муваффақиятли якунланди, 4 минг 394 та хонадондан иборат 56 та ўн қаватли уй фойдаланишга топширилди. Тайёр таъмирли хонадонлар аҳолига 35 фоизлик бошланғич тўлов асосида, йиллик 16 фоиз ставка билан 20 йил муддатга берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари янги хонадонлардан бирига кириб, яратилган шароитлар ва жиҳозланиши билан танишди. Массивнинг ижтимоий аҳамиятига алоҳида тўхталиб, бу ерда шаклланаётган янги муҳит одамларнинг дунёқараши, ҳаёт сифати ва турмуш маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши кераклигини таъкидлади.



Президентимиз “Янги Ўзбекистон” массивида янги иншоотлар бунёд этилаётгани, бу ердаги одамларнинг ҳам янги дунёқараши ва тафаккур билан яшаётганини инобатга олиб, мазкур ҳудудда “Мустақилликнинг 35 йиллиги” маҳалласини ташкил этиш ташаббусини билдирди ва бу тақлифни барча бирдек қўллаб-қувватлади.

Шунингдек, ташриф доирасида Қўқон, Наманган, Андижон ва Марғилон шаҳарларини боғловчи янги электрпоезд катнови йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари билан бирга ушбу йўналишдаги илк поездда Қўқон шаҳридан Марғилон шаҳрига келди.

Президентимиз Қува туманидаги “Қува Агростар” корхонаси фаолияти билан танишди. Корхона тумандаги 33 та маҳалладан 3 мингта хонадон ва 1 мингта деҳқон хўжалиги билан кооперация алоқаларини йўлга қўйган. Одамларга 10 сотих томорқадан 250 миллион сўмгача даромад олиш амалиёти ургатилмоқда.

Ташриф доирасида давлатимиз раҳбари Қува туманида агроноваторлик технологияси жорий этилган қишлоқ хўжалиги мажмуасига борди, “Каркидон” сув омбори ҳудудида барпо этилган янги туризм мажмуасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди. Шунингдек, тумандаги 1-сонли техникумда ёшларни замонавий касблар ва хорижий тилларга ўқитиш ишлари қўздан кечирилди.

Марғилон шаҳрида “Бурхониддин Марғиноний” илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сузлади.

Шунингдек, ташриф доирасида давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича навбатдаги устувор вазибалар юзасидаги йиғилиш ўтказди.

**“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?**

**НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА СИРИ, БУ — МЕҲНАТ, ҲАРАКАТ ВА ИШОНЧ УЙҒУНЛИГИ**



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

**Рустам ТўРАЕВ, Амударё туманидаги “Бўз ёп” маҳалласи раиси.**

Маҳалла, бу — аввало, одамлар. Агар улар сизга ишонмаса, ҳеч қандай режа самара бермайди. Шунинг учун биз фуқаролар йиғинини фаоллаштирдик, очик мулоқотларни йўлга қўйдик, маҳалла телеграм гуруҳларини ташкил этдик. Қарорлар фақат юқоридан тушмайди — аҳоли фикри ҳам инобатга олинади.

Яна бир муҳим омил — ҳамкорлик. Бугун маҳалла яққа холда барча муаммоларни ҳал қила олмайди. Мактаб, поликлиника, тадбиркорлар ва нодавлат ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйдик. Ҳар бир ташкилотнинг аниқ вазифаси ва масъулияти белгилаб қўйилган.

Маҳалланинг иқтисодий фаоллиги ҳам катта аҳамиятга эга. Ишсизлик қанча оз бўлса, ижтимоий муаммолар ҳам шунча камайди. Шу мақсадда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, касбга ўқитиш ва иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратдик. Айни ёндашув туфайли йил бошидан буён 51 нафар кишини ишга қилдик. 7 та камбағал оилани Ижтимоий реестрдан чиқариб, уларнинг даромад топиши, турмуш шароити яхшилашига хисса қўшдик.

Албатта, инфратузилмасиз ривожланиш бўлмайди.

Тозалик, ёритиш, хавфсизлик, болалар майдончалари — буларнинг барчаси режа асосида ташкил этилди. Энг муҳими, ҳар бир масала бўйича жавобгар шахс белгиланди. “Бу кимнинг иши?” деган саволга ҳар доим аниқ жавоб бор. Бу жараёнда Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси бизга кенг имкон яратди. Хусусан, биринчи чоракда жамғармада

59,2 миллион сўм маблағ шакллантирилиб, унинг 57,4 миллион сўми бевосита худуд эҳтиёжларига сарфланди.

Ёшлар ва аёллар билан ишлашни ҳам алоҳида тизимга солдик. Турли тўғарақлар, ўқув курслари ва маданий тадбирлар ташкил этилди. Лекин биз фақат тадбир ўтказиш билан чекланмадик — ҳар бир иштирокчининг натижасига эътибор қаратдик: у иш топди-ми, касб ўргандими, ҳаётда ўзгариш бўлдимми? Айни шу ёндашув туфайли маҳалламиздан хорижга кетган 397 нафар фуқаронинг барчасини оиласи бағрига қайтардик. Худудни оилавий ажралиш ва жиноятчиликдан холи қилдик.

Интимом — барча ишларнинг асоси. Мурожаатларга жавоб бериш муддатлари аниқ белгиланган. Ҳар ой ички таҳлил ўтказилади. Ким қандай ишлаётгани очик-ойдин кўриниб туради. “Еттилик”ка йўналтирилган масалаларнинг 90 фоизи маҳалланинг ўзида ҳал этилгани фикримизни тасдиқлайди. Қолган масалаларнинг ўрганиши ва таҳлил босқичида экани муаммоларга юзаси эмас, чуқур ёндашилаётганидан далолат.

Шу билан бирга, биз доим урганишдан тўхтамаймиз. Бошқа намунали маҳаллалар тажрибасини ўрганиб, ўзимизга мос жиҳатларини жорий этамиз. Янгиликка очиклик — ривожланишнинг энг муҳим шарт.

Хулоса қилиб айтганда, намунавий маҳалла мақомига эришиш, бу — бир кунлик ёки бир ойлик натижа эмас. Бу — тизимли меҳнат, жамоавий ҳаракат ва энг муҳими, одамлар ишончига таянган ўзлуksиш жараёни. Агар биз ҳар бир ишни сидқидилдан, масъулият билан бажарсак, ҳар қандай маҳалла намунага айланиши мумкин.

**ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК**

**МАҲАЛЛА ДИПЛОМАТИЯСИ:**

**Диллар яқин, қадриятлар ўхшаш, мақсадлар муштарак**

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Делегациянинг НАГОЯ ШАҲРИдаги учрашувлари самарали ва мазмунли ўтди. Хусусан, Нагоя университетида бўлиб ўтган мулоқот давомида мазкур олий таълим муассасаси ҳамда Маҳаллани ривожлантириш миллий тадқиқот институти ўртасида Ўзбекистонда маҳалла институтини илмий асосда ривожлантириш, шу йўналишда қўшма тадқиқотлар олиб бориш бўйича келишувларга эришилди. Шунингдек, бу ерда “Анна-авилликдан институтлашувга: Янги Ўзбекистонда маҳалла тизими эволюцияси” мавзусида халқаро семинар ташкил этилди.

Ташриф доирасида “Нагоя — Ўзбекистон” дўстлик жамияти ва ватандошлар билан учрашув ҳам бўлиб ўтди. Унда ёшлар сиёсати, меҳнат миграцияси ҳамда таълим соҳасидаги ҳамкорлик масалалари атрофида муҳокама қилинди. Тадбир доирасида 200 нафарга яқин ўзбекистонлик ватандошлар ва талабалар иштирокида байрамона дастурхон ёзилди.



НАРА ШАҲРИдаги мулоқотлар шаҳар мэри Ген Накагава билан учрашувдан бошланди. Учрашув давомида Самарқанд ва Нара шаҳарлари ўртасидаги “биродарлик шаҳарлари” мақомидagi ҳамкорликни янада кенгайтириш, маҳалла институти ва ёшлар сиёсати соҳаларида тажриба алмашиш, шунингдек, “Ипак йўли мероси” бренди остида қўшма туристик йўналишлар ишлаб чиқиш масалалари бўйича келишувларга эришилди.

Жумладан, жорий йил июнь ойида Нара шаҳри делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи режалаштирилди. Бундан ташқари, Нуробод туманида Нара шаҳри тадбиркорлари иштирокида сийаттоҳ барпо этилади, Самарқанд шаҳрида “Нара хунармандчилиги ҳафталиги”, Нара шаҳрида “Самарқанд туризм ва маданият ҳафталиги” ташкил қилинади.

Ташриф доирасида БМТ университетида қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон томони ташаббусига кўра, университетда “Маҳалла институти — аҳоли ва давлат ўртасида муҳим ижтимоий кўприк” мавзусида халқаро конференция ташкил этилди.

Музокаралар давомида БМТ университетида “маҳалла еттилиги” аъзолари учун қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этиш, ёшлар сиёсати ва истиқболли кадрларни тайёрлашга қаратилган қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, шунингдек, маҳалла тизими ва ёшлар сиёсати бўйича қўшма илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишга келишилди. Бундан ташқари, БМТ университетининг Ўзбекистонда филиалини очиб имкониятларини ўрганиш юзасида ўзаро фикр алмашилди.

Умуман олганда, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатлар замонавий дипломатик алоқалар билан чекланиб қолмай, балки минг йиллик тарихий, маданий ва маънавий муштаракликларга таянади. Буюк Ипак йўли давридан бошлаб шаклланган савдо ва маданий алоқалар бугунги кунда икки давлат раҳбарларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ, стратегик шериклик, иқтисодий ҳамкорлик ва чуқур инсоний ришталар билан бойиб бормоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2025 йил декабрь ойида Японияга амалга оширган расмий ташрифи ўзаро алоқаларимизни янги босқичга қўтарди.

Шубҳасиз, икки давлат ўртасида йўлга қўйилган кўп йиллик ҳамкорлик алоқалари маҳаллий ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, илғор иш услубларини жорий этишда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси делегациянинг Японияга ташрифи маҳалла институтининг илмий ва амалий асосларини кенгайтириш, ёшлар сиёсатида янги халқаро тажрибаларни жорий этиш ҳамда таълим ва инновациялар соҳасида узоқ муддатли шерикликни шакллантиришга хизмат қилади.





2026 йилнинг I чорагида **МЕХНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ 198** та бахтсиз ҳодиса содир бўлиб, 62 киши иш жойида ҳалок бўлган.



Хукумат қарори билан ҳайвонлар касалликлари пайдо бўлганда **КАРАНТИННИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИ** тасдиқланди.



Патентсиз илмий ишланмалар асосида товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналар **ФОЙДА СОЛИҒИНИ 50 ФОИЗ МИҚДОРДА** тўлайди.

2026 йил  
29 АПРЕЛЬ,  
ЧОРШАНБА

**Maḥalla** №35

3

## “ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

ҲУНАРИ БОР ОДАМ —  
ҲУРМАТИ БОР ОДАМ

### ТАДБИРКОРЛИК ҲИССИ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҲАМ ЎЗГАРТИРДИ

Маҳалламизнинг асосий “драйвери” — енгил саноат, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Кейинги йилларда имкониятимиз янада кенгайди.



**Рўзали МЕЛИҚҶЗИЕВ,**  
Учқўприк туманидаги “Бобошбек”  
маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

“Бобошбек” ишлаб чиқариш ва савдо мажмуаси ҳамда логистика марказининг ташкил этилгани маҳалламиз қиёфасини, одамларимиз ҳаёт тарзи ва турмуш маданиятини тубдан ўзгартирди. Бу ташаббус ортидан “Бегмурод”, “Зигир”, “Палоҳон”, “Як-камулла” маҳаллаларида яшовчи аҳоли ҳам ишли ва даромадли бўлди.

Сифатли саноат ва трикотаж маҳсулотлари шу ердаги савдо мажмуасида, республикамиз савдо расталарида харидоригир бўлибгина қолмай, логистика маркази орқали дунёнинг қўллаб мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Авалги йиллари маҳалламизда 15 нафар ишсиз бор эди. Эндиликда ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айландик. Бизда ҳозир камбағал оила йўқ, 6 230 нафар аҳолининг 2 703 нафари ишга лаёқатли хотин-қизлар. Қувонарлиси, уларнинг аксариятининг бандлиги таъминланган.

Ҳамидаҳон Акбарова раҳбарлик қилаётган “Dassi” корхонасида 45 нафар, Иродаҳон Содиқова бошчилигидаги “Худоёржон” корхонасида 40 нафар, Дилнозаҳон Юсупованин “Нилу баби” корхонасида 60 нафар хотин-қиз жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар тайёрлаб, дунё бозорини эгалламоқда.

Одамлар билан суҳбатлашсангиз, барчанинг дили-ю, тилида шукроналик. Улар тадбиркорлик, касб-ҳунар ортидан яхшигина даромад топиш, уй қуриб, тўй қилиш мумкинлигини тақдирларида қуриб, гувоҳ бўлишди.



**Муҳими, камбағалликни қисқартириш деганда, ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш билан чекланмадик. Бунинг учун, аввало, аҳолини касб-ҳунарга ўқитдик, уларнинг молиявий саводхонлигини оширдик, тадбиркорлик ҳиссини уйғотишга эътибор қаратдик.**

Бир сўз билан айтганда, “еттилик” ташаббуси билан фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга кенг имконият яратилди. Имтиёзли кредитлар ажратилиши орқали янги хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилди. Натижада ҳам аҳоли учун янги иш ўринлари яратилди, ҳам иқтисодий салоҳиятимиз ошди.

## РАҚАМЛАР ОРТИДАН ҚУВМАДИК, ИМКОНИАТ ВА САЛОҲИАТНИ ТЎҒРИ БАҲОЛАДИК, ХОЛОС

Камбағалликдан ва ишсизликдан холи ҳудудга айланиб боряпмиз. Бунинг учун, аввало, рақамлар ортидан қувмадик, балки ҳар бир хонадон имкониятини тўғри баҳоладик. Ким томорқадан, яна ким касб-ҳунардан, тадбиркорликдан яхши даромад топишини эътиборга олдик.

**Ислом БОЙДУЛЛАЕВ,**  
Мирзаобод туманидаги  
“Деҳқонобод” маҳалласи  
ҳоким ёрдамчиси.



у ёндашув асосида юзлаб оилаларни даромадли меҳнатга жалб этдик. Сезган бўлсангиз, ёндашувни ўзгаргани ютуқларга омил бўлди. Яъни, ишсизлик ва камбағалликка қарши “умумий рўйхат” ёки мавҳум кўрсатмалар асосида эмас, балки маҳалла кесимида, ҳар бир хонадоннинг аниқ салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда курашдик.

Келинг, фикримни аниқ мисоллар орқали кўриб чиқамиз. Йил бошидан бери, 74 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Уларнинг 52 нафарига



имтиёзли кредит ажратилишида, 24 нафар фуқарога субсидия ва ссуда олишда қўмақлашдик. Мабағларнинг аксарияти томорқачиликни ривожлантиришга тақсимланди.

Ҳудудда азал-азалдан анор экиб келинган. Энди аҳоли фикри ўзгарди. Улар алмашлаб экиш орқали йилда 3 мартагача ҳосил оляпти. Асли халқимиз ерга меҳр берган инсонлар. Ҳар бир хонадон ўз имконияти даражасида тадбиркорликни йўлга қўйган.



**Мисол учун, Ҳошимовлар хонадонида бир қарич бўш жой топа олмайсиз. 7,5 сотих иссиқхонада турли сабзавот экинлари етиштирилипти. Қарийб 16 йилдан бери шу иш билан шуғулланаётган оила қўшниларига ҳам ўз тажрибасини ўргатапти.**

ТАВСИЯ

## Мўъжазгина бедана — мўл даромад манбаи

**Кўпчилик тадбиркорликни бошлаш учун катта бино, миллионлаб сармоя ёки махсус билим керак, деб ўйлайди. Лекин баъзида энг даромадли имкониятлар уйингизнинг бир бурчагида сизни кутиб турган бўлади!**

**Муҳиддин САЙФИЕВ,**  
Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг  
Чорвачилик ва паррандачиликни  
ривожлантириш бошқармаси  
бошлиғи.

Масалан, бедана бизнеси ана шундай қўлай ва фойдали ҳисобланади. Бу — кам жой, озгина меҳнат ва тезкор натижа олиш, деганидир.

Ҳақиқатдан ҳам, бу парранда бор-йўғи 45 кунда туҳумга қиради. Боқиш учун катта жой керак эмас. 10-12 кв.м. хонада 1 000 тагача бедана боқиш мумкин. Тўғри парвартиш билан 1 000 та бедана бир оиланинг кунлик рўзгорини бемалол тебрата олади.

Келинг, 1 000 та бедана мисолида фойда салмоғини кўриб чиқамиз. Кунига ўртача 25-30 кг. ем (ҳар бир бедана 25-30 граммдан) сарфланади. Ҳозирги бозор нархида бу тахминан 150 000-180 000 сўм атрофида харажат, дегани.

Кунига ўртача 800-850 дона туҳум туғади. Агар улгуржи нархда 500 сўмдан ҳисобласак ҳам, кунлик туҳум 400 минг сўмни ташкил этади. 220 минг сўм соф фойда бўлади. Бу ойига 6 миллион сўмдан ошиб кетади.

Бундан ташқари, унинг гўшти қўшимча даромад манбаидир. Эркак беданаларни ва туҳумдан қолганларини гўшт йўналишида сотиш мумкин.

**Саҳифани**  
“Maḥalla” муҳбири  
**Хайрулло**  
**АБДУРАҲМОНОВ**  
тайёрлади.



**Насиба ҚОДИРОВА,**  
Нурота тумани:

— **Одатда, ходим йилда бир мартаба меҳнат таътилига чиқиш имкониятига эга. Аммо гоҳида иш ҳақи сақланмайдиган таътилга ариза ёзишга тўғри келади. Агар мен шахсий зарурат сабабли шу хилда ариза ёзсам, иш берувчи таътил бериши керакми?**

**Лазиз ҚАРШИЕВ,**  
Камбағалликни қисқартириш  
ва бандлик вазирлиги ходими:

— Меҳнат кодексининг 241-моддасига кўра, иш ҳақи сақланмайдиган таътил фақат ходим аризасига кўра берилиши мумкин. Лекин бу иш берувчи учун мажбурий эмас. Ходимнинг хоҳишига кўра, айрим ҳолатларда аризани қаноатлантириш мажбурий этиб белгиланган. Жумладан, 1- ва 2-гурӯх ногиронлиги бўлган шахсларга — 14 календарь кунгача, 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган бола-

**МЕНДА САВОЛ БОР...**

### ХОДИМГА ИШ ҲАҚИ САҚЛАНМАЙДИГАН ТАЪТИЛ БЕРИШ МАЖБУРИЙМИ?



ни парвартишга она ёки она ўрнини босувчи шахсга — 1 йилгача, 12 ёшга тўлмаган 2 ва ундан ортиқ болани ёки 16 ёшга тўлма-

ган ногирон болани тарбиялаётган она ёки она ўрнини босувчи шахсга — 14 календарь кунгача таътил берилади.



Рухий ҳолати бузилган ногиронлиги бўлган шахслар учун “МУРАББИЙ КУЗАТУВИДА” МУСТАҚИЛ ЯШАШ ХИЗМАТИ йўлга қўйилади.



Ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган болаларда ҚЎШИМЧА ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИНИ ЎТКАЗИШ харажатлари давлат ҳисобидан қопланади.



2026 йил 1 сентябрдан ақлий заифлик ташхиси қўйилган шахсларга қаровчи қонуний вақилга ПАРВАРИШЛАШ НАФАҚАСИ БЕРИЛАДИ.

4

Mahalla №35

2026 ЙИЛ 29 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

## “ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

### БУГУН ВАЗИЯТ ЎНГ ЛАНМАСА, РУҲАН КЕМТИК АВЛОДЛАР КАМОЛ ТОПАВЕРАДИ

Бировга тўғри йўл кўрсатмоқчи бўлган одам, аввало, ўзи тарбия кўрган бўлиши керак. Хатти-харақатлари, ўзини тутиши билан бошқаларга намуна бўла оладиган кишининг ҳаммиша сўзи ўткир, ҳурмати баланд.



Ишончим комилки, бугун халқ фаровонлиги, одамларнинг бахту саодати учун қилаётган ҳар бир фидойилигимиз эртага, албатта, ўзининг ижобий натижасини кўрсатади. Бу йўлда тўхтаб қолиш мумкин эмас, фақат олдинга интилиш зарур.

Дилафрўз АБДУРАИМОВА, Жиззах шаҳридаги “Маданият” ва “Кимёгар” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

имкониятларимдан фойдаланиб, кўпроқ шижоат кўрсатишни ўргандим.

Фаолиятимиз давомида асосий эътиборни хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка йўналтиришга қаратяпмиз. Икки йилдан буён ўзига хос ижтимоий лойиҳа устида ишлаб, қийналган, муҳтож опа-сингиларимизни лидер тадбиркорларга бириктириш орқали турмуш шароитини яхшилашга эришяпмиз.

Мисол тариқасида Иноятхон Абдиева билан олиб борилаётган ҳамкорлик дастурини келтириш мумкин. Ўн йилдан буён ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган аёл шу кунга қадар 25 нафар хотин-қизга ўз хунарини пухта ўргатиб, доимий иш билан таъминлади. Ҳозир улар ишлаб чиқараётган чучвара, лағмон ва олма каби бир-биридан мазали таомлар республикамизнинг барча худудларига етказиб берилаяпти.

Хотин-қизлар фаоли сифатида оила-лар мустаҳкамлигини таъминлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олишни муҳим вазифом, деб биламан. Низо келиб чиққан эр-хотинни муроСага келтирмагунча тинчмайман. Мени кўпроқ тирик етим бўлиб қолаётган гўдаклар тақдири қизиқтиради. Бугун кимдир вазиятни ўнгламаса, эртага жамият ривож учун хизмат қиладиган шахслар эмас, аксинча, руҳан кемтик, ёрдамга муҳтож кишиларни вояга етказган бўлаемиз.

Бундан ташқари, қариндошлар ўртасидаги никоҳлар масаласига ҳам жиддий эътибор қаратяпмиз. Янги турмуш бусағасида турган ёшлар билан манзилли ишлаб, қариндошлиқ даражасини ўрганишимиз. Барча йўналишларда уларга йўл-йўриқ кўрсатиб, билимларини оширяпмиз.

ТАҲЛИЛ

Оила мустаҳкамлиги ва бахтли бўлиш, бу — икки инсоннинг бир-бирига бўлган эътибори ва ғамхўрлиги натижасидир. Муносабатларни йиллар давомида соғлом сақлаб қолиш яна кўплаб омиларга боғлиқ.

### Эр ва хотин муаммо ва меҳрни биргаликда баҳам кўрса, бахтли ҳаёт қуради

Шаҳноза РАҲИМҲЎЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.

Биринчи навбатда, ўзаро ишонч ва очиқ мулоқот қондасига риоя қилиш жуда муҳим. Муаммоларни ичга ютмасдан, уларни тинч ва хотиржам ҳолатда муҳокама қилиш ҳамда муносиб ечим топиш зарур. Айниқса, шубҳа ва хафагарчилик пайдо бўлганда, уни жahl билан эмас, аксинча, ошкоралик билан ҳал этиш мақсадга мувофиқ саналади.

Қолаверса, эр-хотин бир-бирига арзимасдек туюлган ишлари учун ҳам “раҳмат” айта олиши ўртадаги ришталарни янада мустаҳкамлайди. Фарзандлар ва қариндошлар олдида танқид қилиш, камчиликларини юзига солишдан қўра, буни ёлғиз ўзига тушунтириш анча самарали натижа беради.

Қолаверса, биргаликда китоб ўқиш, сайр қилиш ёки бирор спорт тури билан шуғулланиш муносабатларни янгилайди. Бу жараён феъл-атвордаги ўзига хос жиҳатларни чуқурроқ англаб етиш, ўзаро қизиқарли мулоқот муҳитини юзага келтиришга ёрдам беради. Катта харидларни маслаҳатлашиб амалга ошириш эса ишончни мустаҳкамлайди.



НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

### “Хушчекка” қизларининг ўн бармоғи ўнта хунар билан банд



Нигина ШОЕВА, журналист.

Урозгул опа кўп йиллардан буён гилам тўқиш билан шуғулланиб келади. У ўз ҳовлисида ўрмак ўрнатиб, миллий аънаналаримизга хос гўзал ва сифатли маҳсулотлар тайёрламакда.

— Ўрмак қўйиб, гилам тўқишини момоларимиздан ўрганганман, — дейди Урозгул Абдумўминова. — Момоларимнинг қўлидан ҳеч қачон ип тушмасди. Улар гилам тўқиётганда ёнида ўтириб, қандай қилиб ипларни боғлаш, нақшларни жойлаштиришни диққат билан кузатардим. Аввалига шунчаки қизиқиб эди, кейин эса уларга ёрдам беришни бошладим. Биринчи тўқиган гиламим, албатта, жуда содда чиққан, лекин мен учун жуда қадрли. Шу тариқа бу хунарга меҳрим ортиб борди. Ҳозирда келинларим, қишлоғимиз қизлари келиб, бу хунарни ўрганишмоқда. Улар билан биргаликда ишласак, 35 кунда иккита гилам тайёр бўлади. Бу иш орқали нафақат даромад қилияпмиз, балки миллий аънаналаримизни сақлашга ҳам ҳисса қўшяпмиз.

Бугун юртимизда миллий қадриятларни асраб-авайлаш, уларни ёш авлодга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай эзгу ишлардан бири — хунармандчилик аънаналарини давом эттиришдир. Бу борада Шўрчи туманининг “Хушчекка” маҳалласида яшовчи Урозгул Абдумўминованинг фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ.

Албатта, хунар, бу — инсонга ишонч ва қўшимча даромад беради. Халқимиз бежизга “Қиз боланинг ўн бармоғидан ўн хунар томсин”, демаган. Бу ҳикматли сўз замирида аёл кишининг нафақат оиладаги, балки жамиятдаги ўрни, унинг меҳнати ва салоҳияти мужжасам.

“Хушчекка” маҳалласида бугун ана шу аънаналар изчил давом этмоқда. Хунарманд аёлларимиз нафақат гилам тўқиш сирларини, балки уй-рўзгор ишларини тўғри йўлга қўйиб, ўчоқ ва тандирхонани озода сақлаш каби муҳим кўникмаларни ҳам ёш келин-қизларга ўргатишмоқда. Бу эса ёшларнинг ҳаётга тайёр, меҳнатсевар ва маънавий етук бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади.

Шубҳасиз, ана шундай фидойи аёлларимиз бор экан, миллий хунармандчилигимиз ҳам, қадриятларимиз ҳам асраб-авайланиб, авлоддан-авлодга утиб бораверади.

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

### Томорқа — имконият, иссиқхона — даромад

Иссиқхона — кони баракка, меҳнат эса фаровонлик калити. Буни теран англаганлар ихчам ердан ҳам унумли фойдаланиб, оила фаровонлиги ва дастурхон тўкилиги учун барқарор даромад манбаини шакллантирмоқда.

Ғулом ПРИМОВ, журналист.

Бунга ёрқин мисол сифатида Сирдарё туманининг “Элобод” маҳалласи аҳолиси ҳаётини келтириш мумкин. 538 та хонадон ва 3 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган ушбу худудда томорқадан самарали фойдаланиш пухта ўйланган иқтисодий ёндашувга айланиб бормоқда.

Худудда истиқомат қиладиган Сония Аббосова мисолида бу ислохотлар самарасини яққол кўриш мумкин. У турмуш ўртоғи, фарзандлари, келин ва набиралари билан биргаликда меҳнат қилиб, оилавий тадбиркорликни ривожлантиряпти. Имтиёзли кредит асосида иссиқхона майдонини 30 сотихгача кенгайтирган бу хонадон бугун нафақат ўз эҳтиёжини тўлиқ қондирмоқда, балки бозорга сифатли маҳсулот етказиб, барқарор даромад манбаига эга бўлган. Уларнинг тажрибаси кўплаб қўшнилари учун ҳам ибрат бўлмоқда.



Ер меҳнатни қадрлайди, — дейди Сония Аббосова. — Ҳар бир кўчатга меҳр билан қарасангиз, албатта, мўл-қўл ҳосилини кўрасиз. Иссиқхона эса йил давомида баракка манбаи бўлиб хизмат қилади. Фақат сабр билан тинмай ҳаракат қилиш зарур.

Бу каби мисоллар бир ҳақиқатни яққол кўрсатади: томорқа — имконият, иссиқхона — даромад, меҳнат эса фаровон ҳаётнинг энг ишончли кафолатидир. “Элобод” маҳалласида шаклланаётган бу ташаббус “Сайхунобод тажрибаси” каби нафақат ушбу худуд доирасида, балки бошқа маҳаллаларда ҳам оммалашмоқда.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМҲЎЖАЕВА тайёрлади.

Айни шу йўналишда олиб борилган изланишлар натижасига кўра, 2025 йилда Ўзбекистонда никоҳ барқарорлиги коэффиценти 175,6 промиллени ташкил этган. Бу ҳар 1000 та никоҳга ўртача 175 та ажрашди тўғри келишини аниқлайди. Мазкур кўрсаткич халқаро миқёсда паст бўлиб, мамлакатда ажрашишлар даражаси кўплаб давлатларга нисбатан анча кам эканини кўрсатади.

Жумладан, никоҳ барқарорлиги коэффиценти Молдовада — 642,7, Озарбайжонда — 431,9, Қозғистонда эса 289,6 промиллени ташкил этади. Бу рақамлар билан солиштиришда, Ўзбекистонда оила институти нисбатан барқарор экани намоён бўлади.

Худудлар кесимида таҳлил қилинганда, Қашқадарё, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида никоҳ барқарорлиги юқори даражада сақланиб қолмоқда. Аксинча, Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Тошкент вилоятида ажрашишлар нисбатан юқорилик экани кузатилади.

Таҳлиллардан кўринадики, Ўзбекистонда ажрашишлар даражаси халқаро кўрсаткичларга нисбатан анча паст бўлиб, бу жамиятда оилавий қадриятлар устувор эканини ва никоҳлар барқарорлигини кўрсатади.

Мустаҳкам оила, бу — нафақат сеvgи, балки катта масъулият ва меҳнатдир. Ҳар кун оё бўлса ҳам меҳр кўрсатиш катта муаммоларнинг олдини олади.



**1 майдан АЛИМЕНТ БЎЙИЧА ҚАРЗДОРЛИК МАВЖУД БЎЛСА, айрим турдаги молия-кредит ва давлат хизматларидан фойдаланиш чекланади.**



**СУРХОНДАРЁ ВА ҚАШҚАДАРЁ —** Ўзбекистонда туғилиш даражаси энг юқори бўлган ҳудудлар сифатида қайд этилди.



**Ўзбекистон аҳолисига 2025 йилда жами 21,2 триллион сўм (бир йил олдингидан 4,1 триллион сўмга кўп) ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ АЖРАТИЛГАН.**

**2026 йил 29 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА**

**Mahalla №35**

**5**

## “ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

МАНЗАРА

### ҲАҚИҚИЙ ЕТАКЧИ САМИМИЙ ДЎСТДЕК БЎЛАДИ

Ёшларнинг сирини, юриш-туришини маҳалладаги ёшлар яхшироқ билади. Қайси ҳудудда етакчи ўз номи билан етакчи бўлса, бошқаларни ортидан эргаштира олса, ўша маҳаллада нохуш ҳолатлар кам учрайди, ҳудуд фаровон бўлади. Бунга яхши намуналар учун фаолиятини шу мезонлар асосида ташкил этганман.

**Темир РЎЗИЕВ,**  
Жомбой туманидаги “Тут” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳалламизда 8 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 1 928 нафари 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар. Хатлов натижасига кўра, ишсизлар 10 нафарни ташкил этди. Ҳозир барчасининг бандлиги таъминланди. Хориж давлатларига кетганлар 35 нафар бўлиб, улар билан доимий алоқа ўрнатганмиз. Ҳудуддаги 12 та кўчанинг ҳар бирига фаол ёшлардан “Кўча сардорлари” сайлаганмиз. “Маҳалла ёшлари” телеграм гуруҳи ва канали ташкил этилган.

Етакчи сифатида ёшларнинг келажагини қуришда уларнинг ҳар бирини қўллаб-қувватлаш ва эътибор билан тарбиялашнинг муҳимлигини яхши тушунаман. Шу боис ташаббускор йигит-қизларга имкон доирасида ёрдам кўрсатиб келаямиз. Шунингдек, “Ёшлар дафтари”га киритилганларнинг муаммосини ҳал этишга эътибор қаратаймиз.



Масалан, рўйхатга киритилган Мирзабек Тогаев билан суҳбатлашганимда, қизиқишини ўргандим. Шу асосида уни 5-сонли касб-ҳунар техникумига ишга жойлашди. Сардор Ҳамроқулов мисолида инсон ўз тақдирини қўли билан яратишига яна бир қарра амин бўлдим. Бу йигит ишсиз эди. Имконияти, қобилиятини ўрганганимда, тадбиркорликка қизиқишини аниқладим. Шу тарафдан унга 100 миллион сўм имтиёзли кредит олишда қўмақлашдик. Натижада турли ширинликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонага асос солди. Ҳозир турмуш ўртоғи билан ўзини ўзи банд қилган.

Бир сўз билан айтганда, маҳалладаги ёшлар мени ишончи хамқори, самимий маслаҳатқўйи, чин дўсти сифатида ҳурмат қилади.

### “Шижоати, шахди баланд ёшлар — бизнинг шарафимиз”



**Ёшлар — маҳалланинг юраги. Улардаги шижоат ва ғайрат билан тоғни талқон қилса бўлади. Фақат йул-йўриқ кўрсатиб, қўллаб-қувватлаб турилса, бас. Маҳалла тизимига келиб, айна ҳақиқатга яна бир бор амин бўлдим.**

**Муродилла АБДУЛҲАМИДОВ,**  
Давлатобод туманидаги “Орзу” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Иёрбек Абдураҳмоновнинг вришган натижаларини бунга яққол мисол сифатида келтириш мумкин. Аввалига



молиявий қийинчиликлар сабаб унинг ўқишга шароити бўлмаган. Шундай вақтда биз қараб турмадик. Тўғрақлари учун тўлов қилишда қўллаб-қувватладик. Бу ёрдам Диевбека катта далда бўлди. Инглиз тилидан махсус сертификатни қўлга киритди. Биринчи уринишдаёқ олий таълим муассасаси талабаси бўлди. Ўқишга шартнома асосида қабул қилингани боис бир йиллик тўловини амалга оширишда қўмақлашдик. Ҳозир у ўзини анча тиклаб олган. Дарслардан буш вақтида хусусий ўқув марказда болаларга тил ўргатапти. Даромади ҳам яхшигина. Келгусида ўз олдига жуда катта мақсад ва режалар қўйган.

Иш бошлаган вақтим ҳудудимиздаги 7 нафар ёш ишсиз, яна 10 нафари оғир тоифа сифатида рўйхатга олинган эди. “Еттилик” ходимлари ҳамда нурунийлар ёрдамида уларнинг бандлигини таъминлаш, ватанпарвар-

лик қайфиятини оширишга сабаб унинг ўқишга шароити бўлмаган. Шундай вақтда биз қараб турмадик. Тўғрақлари учун тўлов қилишда қўллаб-қувватладик. Бу ёрдам Диевбека катта далда бўлди. Инглиз тилидан махсус сертификатни қўлга киритди. Биринчи уринишдаёқ олий таълим муассасаси талабаси бўлди. Ўқишга шартнома асосида қабул қилингани боис бир йиллик тўловини амалга оширишда қўмақлашдик. Ҳозир у ўзини анча тиклаб олган. Дарслардан буш вақтида хусусий ўқув марказда болаларга тил ўргатапти. Даромади ҳам яхшигина. Келгусида ўз олдига жуда катта мақсад ва режалар қўйган.

Жорий йил бошидан буён эса 10 нафар йигит-қизни доимий бандлиги таъминланди. Яна 3 нафарини ҳунармандларга шогирд сифатида бириктириб, даромад топишига ёрдам бердик. Ўз устида ишлаган, олға ҳаракат қилган киши борки, албатта, натижасини кўради. Ёшларимиз мисолида бунинг амалий ифодасини кўраётганимиздан хурсандимиз.

Яна бир қувонарли жихат, маҳалламизда тадбиркорлик йўналишининг тобора ривожланиётганини кўрадик. Масалан, Сардор Одилов уч йилдан буён пластик эшик ва деразалар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ўзидан ташқари, яна 4 нафар йигитнинг бандлигини таъминлаган. Яқинда фаолиятини кенгайтириш мақсадида имтиёзли кредит олиш бўйича мурожаат қилди. Тез орада керакли маблағни қўлга киритиб, ишлаб чиқариш қўламини кенгайтиради.

Вилоятимизда 24 майдан 12 июнга қадар бўлиб ўтаётган “Туллар байрами”га катта тайёргарлик ишлари олиб бориляпти.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ



Катта фестиваль доирасида шахмат бўйича “Етакчи кубоги”ни ташкил этишни режалаштирганмиз. Туман миқёсида ўтайдиган беллашувда спортчиларимиз юқори натижаларни қўлга киритишига ишончимиз комил.

ИМКОНИАТ

### “ЯНГИ АВЛОД ТАДБИРКОРЛАРИ” ДАСТУРИ ИШГА ТУШАДИ

**2030 йилга қадар 20 минг нафар йигит-қизни тадбиркорликка ўқитишга мўлжалланган “Янги авлод тадбиркорлари” дастури ишга туширилади.**



Бу ҳақда “Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегиясини 2026-2027 йилларда амалга ошириш ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарориди сўз боради.

Қарорга кўра, маҳаллий ва хорижий экспертлар (консультантлар) ҳамда хусусий сектор билан шартнома асосида ҳамкорлик қилинади, “Янги авлод тадбиркорлари” дастури доирасида ўқитиш учун ёшлар саралаб олинади. Дастур доирасида бизнес лойиҳасини ишлаб чиқиш, сотувга чиқиш ва бозорни кенгайтириш каби йўналишларни қамраб олувчи тадбиркорлик асослари бўйича билимлар бериб борилади.

Лойиҳа якунида ёшларнинг билимлари синовдан ўтказилиб, ижобий ўзлаштириш кўрсаткичларига эришган энг яхши 1 минг нафар йигит-қизга Ёшлар ишлари агентлигининг сертификати берилади. Сертификатга эга бўлган ёшларга БҲМнинг 500 бараваригача миқдорда Марказий банк асосий ставкасининг 50 фоизи миқдоридидаги фойз ставкасида 6 ойлик имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга сўда ажратилади.

“ИККИНЧИ ИМКОНИАТ”

## Маҳкум барчасидан маҳрум эмас, айниқса, у ёш бўлса..

Ёшларнинг келажаги нафақат уларнинг шахсий орзу-интилишлари, балки бутун жамият тарққиёти учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Афсуски, айрим ҳолларда ёшлар билиб-билмай йўл қўйган хатолари туфайли жазони ижро этиш муассасаларига тушиб қолмоқда. Бу эса кўпинча уларнинг қайта ижтимоийлашуви ва одатий ҳаёт тарзига қайтишига жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилади.

**Анбарой ЖУМАОЕВА,**  
Тошкент давлат юридик университети талабаси.

Сўнги йилларда ушбу муаммога тизимли ёндашув шаклланиб, маҳкум ёшларни замонавий касбларга ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу каби чора-тадбирлар нафақат жиноятчиликни камайтиришга, балки ёшларнинг жамиятга мослашуви, ўзини англаши ва мустақил ҳаёт қуришига замин яратади. Шу маънода, “Жазони ижро этиш муассасаларидаги ёшларни замонавий касбларга ўқитишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қарорга мувофиқ, “Иккинчи имкон” ижтимоий реабилитация миллий лойиҳаси амалга оширилади. Ушбу лойиҳа доирасида 2026 йил 1 июндан бошлаб Тошкент, Навоий ва Қашқадарё

вилоятларидаги жазони ижро этиш муассасаларида, 2027 йил 1 мартдан эса республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам ёшларни замонавий рақамли касбларга ўқитиш тизими йўлга қўйилади.

Лойиҳа доирасида ўқув жараёни куйидаги тартибда ташкил этилади:

- ўқув курслари 8-12 ойлик интенсив ўқув дастурлари асосида жазони ижро этиш муассасаларида ташкил этилади;
- ўқув курсларига ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятларни содир этган жазони ўтаётган ёшлар жалб қилинади;
- ўқув курсларига жалб қилинганлар хорижий тилларни (инглиз, рус, хитой ва бошқалар) ўрганиш бўйича ағона интенсив дастурлар асосида ҳам ўқитилади;
- ўқув курслари якуни бўйича тегишли дастурларни ўзлаштирган жазони ўтаётган ёшларга электрон шаклдаги сертификатлар берилади.

Лойиҳа дастлаб учта ҳудудда синов тарикасида жорий этилиб, ижобий натижаларга эришилган тақдирда бошқа ҳудудларда ҳам кенгайтирилади. Албатта, замонавий касбларни ўқитиш учун тегишли инфратузилма яратиш муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан Ички ишлар вазирлиги ўқув курсларини тамомлаган ёшларни Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан ҳамкорликда ишга жойлаштириш чораларини кўради. Ўқув жараёнини сифатли интернет билан таъминлаш вазифаси эса Рақамли технологиялар вазирлиги зиммасига юкланган.

Давлат маҳкум ёшларни фақат ўқитиш билан чекланиб қолмай, уларнинг озодалликка чиққанидан кейинги ҳаётига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги уларнинг эҳтиёжларини ўрганиб, зарур ҳолларда амалий ёрдам кўрсатади.

Замонавий касб эгаллаш маҳкум ёшлар учун жамиятдаги “собиқ жиноятчи” деган тамгадан халос бўлишнинг энг самарали йўлидир. Психологик жиҳатдан ўзини

керакли мутахассис сифатида хис этган ёшларда келажаққа ишонч ва умид шаклланади. Бу эса уларнинг

қайта жиноят йўлига қайтмаслигининг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади.



Хулоса қилиб айтганда, “Иккинчи имкон” миллий лойиҳаси шунчаки таълим дастури эмас, адашган ёшларни жамиятга қайтаришга қаратилган замонавий ва инсонларвар ёндашувдир. Рақамли касблар ва чет тилларни ўргатиш орқали давлат ёшларга нафақат билим, балки ўз хатоларини тузатиш ва янги ҳаёт бошлаш учун аниқ имконият яратмоқда. Зеро, жазонинг асосий мақсади инсонни жамиятдан ажратиш эмас, уни қайта тарбиялашдир.





1 майдан "10 МИНГ ҚАДАМ ПИЁДА" тажрибаси қайта тикланади ҳамда "Соғлом турмуш тарзи" платформаси фаолияти йўлга қўйилади.



Аҳоли мурожаатлари асосида "ТОП-100 ХУҚУҚИЙ ТАВСИЯ" тўплами шакллантирилади.



Республика ва маҳаллий давлат ташкилотларида ҳар ойда бир мартаба "ҚОҒОЗСИЗ БИР КҮН" ЭКОАКЦИЯСИ ўтказилади.

2026 йил  
29 АПРЕЛЬ,  
ЧОРШАНБА

Mahalla №35

7

## "ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ"

### ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ

Бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилапти. Шунга қарамай, айрим ишлаб чиқарувчилар орасида маркировкасиз маҳсулотларни чакана савдо тармоқларига етказиб бериш орқали назорат ва жавобгарликни четлаб ўтиш мумкин, деган нотўғри тушунча сақланиб қоляпти.

### ЯНГИ НАЙРАНГ НАЗОРАТ ВА ҲУШЁРЛИКНИ ЯНАДА ОШИРАДИ

Музаффар НАЗАРОВ,  
Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Назорат тадбирлари натижалари ва рақамли маркировка маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бундай ҳуқуқбузарликлар товар айланмасининг барча босқичларида – ишлаб чиқаришдан тортиб, истеъмолчига сотишга қадар аниқланмоқда. Хусусан, жорий йилнинг апрель ойида солиқ ташкилотлари мажбурий рақамли маркировка-ланадиган маҳсулотлар савдоси билан шуғулланувчи 756 та тадбиркорлик субъектида қонунчиликда белгиланган тартибда сайёр солиқ текширувлари ўтказди.

Натижаларга кўра, 495 миллион сўмдан ортиқ нақд пулда сотилган маҳсулотлар учун онлайн-НКТ орқали фискал чек тақдим этилмаган. 500 миллион сўмлик 307 минг дона маркировкасиз сув ва салқин ичимликлар ишлаб чиқарилиб савдога чиқарилган.

Хусусан, Тошкент вилояти Янгийул туманидаги чакана савдо нуқтасида ўтказилган сайёр солиқ текшируви давомида маркировкасиз маҳсулотлар реализацияси аниқлангач, назорат тадбири давом эттирилиб, Чиноз туманида жойлашган ишлаб чиқарувчи корхона омборида сотувга тайёр ҳолда сақланаётган яна 5 турдаги, жами 25 минг дона, 62,2 миллион сўм қийматдаги маҳсулотлар аниқланди.

Текшириш давомида мазкур маҳсулотлар нақд пул ҳисоб-китоблари орқали солиқ ҳисоботларида акс эттирилмасдан реализация қилиш мақсадида ишлаб чиқарилиб, савдога тайёрланганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга, ишлаб чиқарувчи томонидан жорий йилнинг I чораги учун тақдим этилган солиқ ҳисоботларида реализация амалга оширилмагани қайд этилган.

Бундай ҳолатлар Наманган вилоятидаги ишлаб чиқарувчи корхонада 115,5 минг дона (288 миллион сўмлик), Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқарувчи корхонада 47,3 минг дона (86,7 миллион сўмлик) маркировкасиз маҳсулот мавжудлиги аниқланган.

Эътиборли жиҳати шундаки, текширилган 6 та ишлаб чиқарувчи тўлаган солиқлар (ҚҚС, акциз солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ) атиги 31 миллион сўмни ташкил этган, холос.

Шуни унутмаслик керакки, рақамли маркировка тизими ва савдо қондаларига қатъий риоя қилиш – яширин иқтисодиётнинг олдини олиш, ҳалол ва виждонли солиқ тўловчилар учун тенг, шаффоф ҳамда барқарор муҳитини яратишга хизмат қилади.

### СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

## БУ ТАЖРИБА ОДДИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК ИШЛАРИ ЭМАС, БАЛКИ КАТТА ДАРОМАДЛИ БИЗНЕС ДЕГАНИ



Менга тўртта маҳалла бириктирилган. Худуд катта, солиқ тўловчилар кўп. Шундай бўлса-да, "маҳалла еттилиги" кўмаги билан барча ишларни уйдаяяпман. Айни пайтда навбат-навбат маҳаллаларда юриб, фуқароларнинг молк-мулк ва ер солиғини ундириш ишларини олиб бораёпмиз. Йўл-йўлакай тадбиркорлик субъектлари ва хонадонларда бўлиб, солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ҳамда соҳага оид янгилеклардан хабардор этяпмиз.

Мадинахон ЖУМАОБОВА,  
Ўрта Чирчиқ туманидаги "Бешбой", "Галаботир", "Дўстлик", "Жанғабой" маҳаллалари солиқ инспектори.



Эътирофлиси, маҳалла раислари ҳудудидаги бирор муаммони ҳал этиш учун олдингидек ҳокимлик ёки тадбиркорлардан ҳомийлик ёрдамлари сўраб юргани йўқ. Бугун ҳар бир маҳалланинг ўз бюджети бўлиб, ҳар бирида 20 миллиондан 50 миллион сўмгача маблағ бор. Мазкур маблағлар "маҳалла еттилиги" аъзоларининг коллегиял қарори асосида мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этишга, йиғин ҳудудини обод этишга, фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилашга сарфланапти. Айни шу ўзгаришлар ҳам солиқ тўловчиларнинг масъулияти ва фаоллигини оширяпти.

Кувонарлиси, аҳолининг солиқ соҳасидаги билими, маданияти анча ошган. Илгари маҳалла раислари иштирокида ҳар бир хонадон эшигини тақиллатиб, пул йиғиб юрилган бўлса, энди хабарнома ёки махсус телеграм гуруҳда эълон қилсақ, бас. Маҳалла идорасига келиб, ўзлари тўлаб кетишади. Айниқса, бу йил анча фаол. Шу боис фуқаролардан ушбу солиқ турини ундириш унчалик қийинчилик тўғримапти. Хозирга қадар 3150 та мол-мулк ва ер солиғи тўловчисининг 53 фоизи солиқларини тўлаб бўлишди.

### СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

## ПЕНСИЯДАГИЛАР СОЛИҚДАН ОЗОД ЭТИЛАДИМИ?

Абдуқаҳҳор МАҲМУДОВ,  
Солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи:

– Тўғри, мол-мулк солиғидан пенсионерларнинг 60 м<sup>2</sup> доирасидаги мол-мулки озод қилинади. Бундан кўп бўлса, ортигига солиқ тўланади. Ер солиғидан фақат ёлғиз пенсионерлар озод этилган. Улар – ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногиронлиги бўлган боласи билан бирга алоҳида уйда яшовчи пенсиядагилар ҳисобланади.

Имтиёзлар пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Шу боис солиқ имтиёзлари ага бўлган шахслар солиқ имтиёзларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларини солиқ объекти жойлашган ердаги солиқ ташкилотларига тақдим этиши керак.


Турдикул ҲОЖИЕВ,  
Қашқадарё вилояти.

– Яқинда пенсияга чиқдим. Эшитишимча, пенсиядагилар мол-мулк ва ер солиғидан озод қилинар экан. Бу қанчалик тўғри? Шу ҳақда маълумот берсангиз...



Бир сўз билан айтганда, солиқ инспекторининг халқ билан ишлаши ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўляпти. Натижада одамларда ўз вақтида солиқ тўлаш маданияти шаклланди. Энг муҳими, биз тўлаётган солиқ пулларининг 15 фоизи "маҳалла бюджети"да қолдирилиб, худудимиз тараққиётига, халқ фаровонлигини таъминлашга сарфланапти. Шундай экан, ҳар бир фуқаро солиқларни ўз вақтида тўлаши шарт.

### ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ УЛУШИ



### СОЛИҚ ТЎЛАШ – ҲАР КИМНИНГ БУРЧИ!

Олдинлари ҳамма ҳам томорқа хазина эканини яхши англаб етмаган. Шунчаки, рўзғори ва чорва моллари учун экин-тикин экишган, холос. "Маҳалла еттилиги" ташкил этилгач, тарғибот ва тушунтиришлар натижасида ҳар бир хонадон эгаси томорқасини даромад манбаига айлантирди.

## ХАЛҚ БИЛАН ИШЛАШ ҲАММА УЧУН БИРДЕК ФОЙДАЛИ

Абдужалил ҲУСАНБОВЕВ,  
Пискент тумани "Мингтепа" маҳалласидан.

Айни пайтда маҳаллаимиздаги 636 та хонадоннинг 620 таси узумчилик билан шуғулланяпти. Ток ораларига тўқсонбосди, эртачи ва кечки экинлар экиб, йилгига тўрт марта ҳосил оляпмиз. Ҳозир томорқамизда саримсоқпиез, картошка ва пиез баравж ривожланяпти. Даромад ҳам яхши, шунинг ортидан ўғилларни ўқитиб, уйлантирдик.



Бу жараёнда ҳоким ёрдамчиси ва солиқ инспектори яқиндан ёрдам берапти. Илгари даромад яхши бўлмагани учун аҳолининг мол-мулк ва ер солиғидан йиллаб қарздорлиги бўларди. Солиқни тўлаш учун туман марказига қатнардик. Баъзи ҳолатларда солиқ инспекторига нақд кўринишда берган пулимиз солиқ базасида кўринмасди. Натижада кўплаб муаммоларга дуч келардик. Бугун эса ҳаммаси рақамлашган. Солиқ инспектори хонадонма-хонадон юриб, солиққа оид саволларимизга тушунтириш берапти. Солиқдан қарз бор-йўқлигини онлайн кузатиб бориш имконига эга бўлдик.



Саҳифани "Mahalla" муҳбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.



1 майдан ҳар ойнинг 10- ва 25-саналарида "АВТОМОБИЛСИЗ КУН", "АВТОМОБИЛСИЗ ҲАФТА" акциялари ўтказиб борилади.



Ўзбекистонда "ҚУРИЛИШДА ҚОНУНИЙЛИК" мобил иловаси ишга туширилади.



Ўзбекистонда алоҳида тоифаланган сув омборлари АҲОЛИ ВА ТУРИСТЛАР ГАВЖУМ МАСКАНЛАРГА айлантирилади.

# "МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ"

## ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Инсоннинг нечоғли қадри баланд ва улугъ мавжудот экани маълум. У табиат бойликларидан лаззатланиши, соғ-саломат, кучли ва ақлли бўлиши учун ўзини ўзи асраб-авайлаши, ҳимоя қилиши ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиши лозим.

## Бир ёшу етти ойлик гўдак нархи — 35 минг долларми?..



Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси ахборот хизмати.



дам савдоси – бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Унинг турли кўринишлари бор. Орасида энг жирканчи эса норасида гўдакларни пул ёки бошқа моддий қимматликлар эвазига сотишдир. Оқибати оғир бўлган бу жиноят давлат ёки миллат танламайди. Барча бирдек унга қарши.

Афсуски, фарғоналик ота-она мўтабар номга доғ туширди. Жигарбандини бир буюм каби баҳолаб, уни моддий манфаатдорлик эвазига бегонанинг қўлига тутмоқчи бўлди. Бугун аёл ва эркак қонун олдида жавоб беришга мажбур.

Маълум бўлишича, улар 1 ёшу 7 ойлик бўлган ўғил фарзандига 35 минг АҚШ доллари миқдорига нарх белгиланган. Аслида, оқ-қорани танимайдиган бу норасида гўдак ҳам бошқа болалар каби меҳрга тўйиб, ота-онаси бағрида эркаланиб улғайишга ҳақли эди. Аммо болаларнинг дунёга келтирилган уни асраш ўрнига тақдирини савдога қўйишни маъқул кўришди.

Қинғир иши фош бўлиб, қонун олдида жавоб бериш пайти келганда дод-фарёд қилишга тушган она қайси қалб, қайси юрак билан ўз боласини пулга алмашди? Бунинг қандай сабаблари бор, бу бизга қоронғу. Лекин не бўлганда ҳам ҳеч бир сабаб уларнинг бу қилмишини оқламайди. Онага қўшилиб, ота ҳам жирканч савдога аралашгани янада аянчлидир.



Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мусахҳиҳ Феруза ҲУЗАЙЛОВА ўқиди.

## ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

# ҲАР ҚАНДАЙ МУВАФФАҚИЯТ БИЛИМ ВА ТАЖРИБАГА УЗВИЙ БОҒЛИҚ

Яқинда бир оилада низо чиқди. Дарҳол ажралиш оstonасида турган оиладаги жанжалли ҳолатни ўрганиш учун бордим. Бир тараф ўзини мутлақо ҳақ, деб кўрсатишга уринар, вазиятни фақат ўз қаричи билан ўлчар эди.

Тўхтасин ХОЛМУРОДОВ, Навоий шаҳридаги "Баҳор" маҳалласи профилактика инспектори.

Шунан шу пайтда ҳолатни бир томонлама ўрганмай, таҳлил қилдим. Иккинчи тарафнинг фикрини эшитдим, кўшнилари ва оиланинг яқинлари билан суҳбатладим. Хуллас, вазиятни чуқур ўргандим. Натижада жанжалнинг асл сабаби аниқланди, низо тинч йўл билан ҳал этилди...

Бу каби вазиятда менинг соҳавий билимимдан ташқари, кекса отахон-онахонларнинг ҳаётий тажрибасига таянашимиз. Чунки ҳар қандай соҳада муваффақиятга эришиш, аввало, билим ва тажрибага узвий боғлиқ. Айниқса, ички ишлар органлари тизимида хизмат қилаётган ходимлар учун бу жиҳат янада муҳим аҳамият касб этади.

Маҳалламиз ҳудудий жиҳатдан ва аҳоли сони бўйича шаҳардаги катта фуқаролар йиғини ҳисобланади. Беш минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Табиийки, бунинг ўзига яраша масъулияти бор. Яъни, ҳудуднинг оқсоқиллигини таъминлаш учун "еттилик" ходимларидан туну кун сергаклик, бедорлик талаб этилади.

Фаолиятимизни шу асосида ташкил этганмиз. Ҳар бир йўналишда масъуллар бириктирилган. Агар натижаларни таҳлил қилсак, кўнгил таскин топади. Бизга ишонч билдирган раҳбарият, аҳоли олдида юзимиз ёруғ. Мисол учун, илгари ҳуқуқбузарликлар кўрсаткичи юқори бўлгани учун "қизил" тоифада эдик. Дастлаб "сарик", бугунги кунда "яшил" тоифага ўтдик.



"Еттилик" ходимлари билан биргаликда ҳар бир оилага кириб бораемиз, муаммоларни ўрганиб, жойида ечим топиш чорасини кўраемиз. Айниқса, ёшларни турли салбий иллатлар таъсиридан асраш, бандлигини таъминлаш ва тўғри йўлга йўналтириш борасида самарали ишларни амалга оширдик. Шунингдек, ҳуқуқбузарликка мойил шахслар билан манзилли ишлаб, профилактик суҳбатлар ўтказяемиз. Ҳар бир мурожаатга эътибор билан қараб, муаммоларга ечим топишга интиляемиз.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан келиб қолмади. Аввало, кўча боши, кўп қаватли уйлар кириш йўлагига 40 дан зиёд кузатув, юз таниш камераси ўрнатдик. Ҳар бир кўп қаватли уй ташвиш тугмаси билан таъминланди. 30 тадан ортиқ хонадон ва барча савдо объектилари қўриқлаш пунктига уланди. Бундан ташқари, 12 нафар спиртли ичимликларга ружу қўйган, 4 нафар муқаддам судланганлар доимий назоратга олинди.



Саҳифани "Mahalla" муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Ёшлар билан ишлаш ҳам масъулиятли, ҳам нозик масала. Чунки бу даврдаги йигит-қизлар тез ўзгарувчан, ҳиссийга берилувчан, ишонувчан бўлади. Агар озгина беларво бўлсак, пайдо бўлган бўшлиқни ёмон ниятли кимсалар тўлдиршига уринади. Бу жараёнда биринчи ўринда профилактик тадбирларга алоҳида аҳамият бераемиз. "Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тарқалишининг олдини олиш" тезкор-профилактик тадбири мунтазам ўтказилаяпти. Бундан ташқари, спорт мусобақалари, тасвирли санъат кўрик-танлови, театрлаштирилган сахна кўринишлари, челленж, "Қувноқлар ва зукколар" ўйини, марафонлар ташкил этиляемиз.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

Набижон СОТИБОЛДИЕВ. Ховос тумани:

— Баъзида ўз хизмат вазифасини бажариш ёки муаммони бартараф этиш учун хонадонларга борган профилактика инспекторига уй эгалари кўпол муомалада бўлади. Уларни ҳақорат қилиш, кўрқитиш каби салбий ҳолат кузатилади. Шу каби ҳақоратларга нисбатан қандай жавобгарлик белгиланган?

Абдорбек ЭЪЗОЗХОНОВ, "Мадад" ННТ ҳуқуқшуноси:

— Жиноят кодексининг 140-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, ҳақорат қилиш жабрланувчининг ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда қилинган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади. Жабрланувчининг ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда ҳақорат қилиш оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади ҳамда маъмурий жавобгарлик эмас, балки тўғридан тўғри жиноий жавобгарлик, деб малакаланади.

# ЎЛДИРИШ ЁКИ ЗЎРЛИК БИЛАН ҚЎРҚИТИШ ЖАЗОЛАНАДИ



Шу билан бирга, Жиноят кодексининг 112-моддасига кўра, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, агар бу ҳаракат амалга оширишдан хавфсиз раш учун етарли асослар мавжуд бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача жарима ёки 240 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Бундан ташқари, ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан қасддан баданга шикаст етказиш ҳам етказилган шикаст даражасига қараб, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.